КПСС XXV съезди қарорлари-ҳаётга

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 62 (6952). | 3 апрель, 1979 йил | СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

НАВБАТ— МАЖБУРИЯТГА

КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, умумхалқ социалистик мусобақасида актив иштирок этаётган бизнинг совхозимиз чорвадорлари дастлабки галабани қўлга киритдилар. Коллективимиз беш йилликнинг тўртинчи йилида совлиқлардан қўзи олиш бўйича белгиланган халқ хўжалик планини 2 апрелда 100,1 процентга етказиб бажардилар. Мавжуд совлиқлардан 16980 бош ўрнига 17000 бош соғлом қўзи олинди.

Шу кунларда қўзилатиш қизғин давом эттирилмоқда. Илғор чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 120—130 бошга етказиб қўзи олиш учун курашмоқдалар. Бу жиҳатдан ташаббускор чўпон Пўлат Мусиров эришаётган ютуқлар диққатга сазовордир. Унинг издошлари кўпайиб бормоқда.

Совхоз коллективи шу кунларда баҳорги жун қирқишга ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Давлатга жун топшириш бўйича белгиланган план ҳам муваффақиятли бажарилади.

Совхозимизнинг аҳдига вафодор, фидокор қўйчиларимиз совлиқлардан кўплаб қўзи олиш ва давлатга сифатли жун топшириш юзасидан зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Р. САЪДУЛЛАЕВ,
Чиноз районидаги Жамбул номли қўйчилик совхози директори

А. САКСЕНБОЕВ,
совхоз партия комитетининг секретари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари Республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

ИЛҒОР КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ШУҲРАТИ КИТОБИ»ГА ЁЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғоят катта муваффақиятларга эришганлиги, 1978 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажарганлиги, беш йиллик учинчи йили топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларни адо этишда энг юксак кўрсаткичларга эришганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширганлиги ва маҳсулот сифатини яхшилаганлиги учун, фан ва маданиятни ривожлантириш йўлидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари марказий Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қуйидагиларни «Ўзбекистон ССР Меҳнат Шуҳрати китоби»га ёзишга қарор қилдилар.

1. Наманган, Самарқанд ва Тошкент областлари.

2. **Шаҳарлар ва районлар** (дипломҳам топширилади): Бухоро, Марғилон, Нукус, Тошкент шаҳарлари, Арнасой, Боёвут, Бўка, Қумқўрғон, Ленинск, Нишон, Пахтачи, Пешку, Тошкент, Тўракўрғон, Ўзбекистон, Элликқалъа районлари.

3. **Коллективлар** (дипломҳам топширилади):

Олтинкўл район матлубот жамияти,

Оҳангарон цемент комбинати,

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бухоро пахта тозалаш заводи.

Қашқадарё «Облколхозстрой» тресті,

Наманган область ремонт-қурилиш тресті,

Наманган «Автотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси,

«Ҳурмат Белгиси» орденли «Ўзбекшахтастрой» қурилиш тресті,

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Алмалиқсвинецстрой» қурилиш тресті,

Ҳурмат Белгиси орденли Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги номли 2-йўл-қурилиш бошқармаси, Бардонкўл посёлкаси,

Риштон бадиий сопол буюмлар заводи,

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Ромитан район ишлаб чиқариш бирлашмаси,

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Самарқанд ишлаб чиқариш геология бирлашмаси,

Жарқўрғон шаҳридаги 26-қурилиш тресті,

Ўрта Осиё кўмир қазиб чиқариш ишлаб чиқариш бирлашмаси,

Октябрь Революцияси орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи,

Тошкент область сугориш системалари бошқармаси.

Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси,

Тошкент ёг-мой комбинати,

Тошкент шаҳар марказлашган юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль тресті.

Главташкентстройга қарашли «Ҳурмат Белгиси» орденли Тошкент биринчи уйсозлик комбинати,

Тошкент 4- пон маҳсулотлари комбинати.

М. Т. Тошмухамедов номли Тошкент граммпластинкалар заводи.

«Андижанводстрой» тресті,

«Бухарагазпромстрой» тресті,

«Узпровентиляция» тресті,

«Сельтрансэлектрострой» тресті,

«Қарақалпақирсовхозстрой» қурилиш бошқармаси,

Фарғона моддий-техника таъминоти универсал бошқармаси,

Ҳўжаобод районидаги «Ленинизм» колхози,

Шаҳрисабз районидаги Ф. Энгельс номли колхоз,

Иштихон районидаги 8-Март номли колхоз,

Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз,

Бўка районидаги Октябрь 40 йиллиги номли колхоз,

Киров районидаги «Москва» колхози,

Қўшкўпир районидаги И. Охунбобоев номли колхоз,

Ҳўжайли районидаги В. И. Ленин номли колхоз,

Бухоро районидаги «Маданият» колхози,

Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхози,

Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози,

Пастдарғом районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Маркс номли колхоз.

Сариосиё районидаги Октябрь Революцияси орденли «Коммунизм» колхози,

Дўстлик районидаги В. И. Ленин номли совхоз,

Балиқчи районидаги М. Горький номли совхоз,

Ромитан районидаги« Октябрь 50 йиллиги» совхози,

Ленин йўли районидаги В. И. Ленин номли совхоз,

Косон районидаги «Ленинград» совхози,

Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози,

Ўзбекистон районидаги «Ғаннобод» совхози,

Хонқа районидаги Ал Хоразмий номли совхоз,

Беруний районидаги И. Охунбобоев номли совхоз,

Бухоро районидаги «Галаосиё» совхоз заводи,

Нишон районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводи,

Поп районидаги Ленин орденли В. И. Ленин номли совхоз-техникум,

Г. Зайцев номли Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Уйчи районидаги «Қизилравот» эксперименталхўжалиги,

Г. Зайцев номли Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Жаркўрғон районидаги А. И. Автономов номли «Сурхон» эксперименталхўжалиги,

«Балиқчи» балиқ саноати экспериментал намунали ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўрғонча посёлкаси.

4. **Ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари,**

(гувоҳномалар ҳам берилади):

Орипов Исмоил Холматович —СССР Давлат мукофоти лауреати, Тошкент 1-уйсозлик комбинатига қарашли 1-йирик панелли уйсозлик заводи бетончилар бригадасининг бошлиғи.

Иембергенов Ҳўжамберген— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қорақалпоғистон АССР Кўнғирот шаҳридаги Бердах номли ўрта мактаб директори,

Коломицева Евдокия Александровна — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Андижон область Охунбобоев шаҳридаги Наримонов номли 3-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Қўшоқов Жўракул — СССР Давлат мукофоти лауреати. Иштихон районидаги Навоий номли колхоз маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи,

Маҳмуджонов Юсуфжон — СССР Давлат мукофотининг лауреати Тошкент тажриба ремонт-механика заводининг токари.

Меньших Владимир Федорович — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Навоий кон-металлургия комбинати комплекс бригадасининг бошлиғи,

Побединская Зоя Ивановна — СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР 50 йиллиги номли қийин эрийдиган ва ўта чидамли металлар Ўзбекистон комбинатининг ишчиси,

Распопова Валентина Александровна — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги 4-бош бошқарма марказий поликлиникасининг врачи.

Саидов Нишонбой — СССР Давлат мукофотининг лауреати Қувасой 14-ғишт заводлари бошқармасининг ғишт пиширувчиси,

Саидов Расул — СССР Давлат мукофоти лауреати, Самарқанд ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пиллакаши,

Саидов Ҳожи — СССР Давлат мукофоти лауреати, Боғот районидаги Наримонов номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи,

Ҳусанов Рихситилло — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент шаҳридаги 63-шаҳар ҳунар-техника билим юртининг директори.

Шарофиддинова Мусаллам — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Самарқанд шаҳридаги 1-болалар поликлиникасининг врачи,

Шукуров Жума— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ромитан районидаги Ф. Хўжаев номли ўрта мактаб ўқитувчиси.



Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинати электр билан пўлат эритиш комплексида маҳсулот ишлаб чиқариш ой сайин кўпаймоқда. Суратларда: электр билан пўлат эритиш печлари мастери Геннадий Пужляков (юқорида), металлни узлуксиз қуюш машиналари участкаларининг бири (пастда).

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

ЭРТА ҚЎЗИЛАТИШ САМАРАСИ

«ОҲАНГАРОН» совхозида қўзилатиш кампанияси қизғин давом этмоқда. Дастлаб 1979 йилда ҳар юз бош совлиқдан 102 бош қўзи олиш планлаштирилган эди. Лекин совхоз чорвадорлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар юз бош совлиқдан 110 бошдан қўзи олишга қарор қилиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу 6198 бош совлиқдан дастлабки пландаги 5709 ўрнига 6817 бош қўзи олинади, деган сўз.

Илгари совхозда қўзилатиш кампанияси март ойининг охирларидан бошланар эди. Кейинги икки йилдан бери совхозда эрта қўзилатиш усули жорий этилди. Бу усул яхши самара бермоқда. Масалан, январь ойида қўзилатиш ишини бошлаб юборган илғор чўпонлардан Ғафур Ирисқулов ўз қарамоғидаги 360 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 125 бошдан қўзи, ҳар бир қўйдан 4 килограммдан жун қирқиб олишга аҳд қилган эди. Ирисқулов 360 бош совлиқдан 400 бош қўзи олди. Бу пландагидан 32 бош кўпдир. У қолган 40 совлиқдан яна 60 қўзи олмоқчи. Гап шундаки унинг отарида қўйлар январь ойининг иккинчи ярмидан—қор ёғиб изғирин шамол эсиб турган пайтда қўзилай бошлаган эди.

Лекин тажрибали чўпон бор маҳоратини ишга солди ва барча қўзиларни омон сақлаб қолди. Она қўй ва қўзилар алоҳида иссиқ ва қуруқ бинода сақланди. Улардан кечаю-кундуз хабар олиб турди.

Ирисқуловнинг издошларидан чўпон Эргаш Қуролов ҳам самарали меҳнат қилмоқда. У 375 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 115 тадан қўзи ва ҳар бир қўйдан 3,8 килограммдан жун қирқиб олиш учун курашмоқда. Совхоз бўйича 1978 йилда 1 мартгача олинган қўзи 445 бош бўлса, бу йил шу муддатда 1365 бош қўзи олинди.

— Илгари қўйлар март-апрель ойларида ерда ўт кўкариб қолган пайтда қўзилар эди. Бу кўк ўт қўзиларгагина эмас, янги туққан қўйларга ҳам салбий таъсир қилар, касалга чалинтирар, нобудгарчилик кўп бўлар эди. Эндиликда эса бунга йўл қўйилмаяпти.

Шунинг учун ҳозир совхознинг кўп чўпонлари эрта қўзилатиш усулида иш олиб бориб яхши натижаларга эришмоқдалар.

Совхоз чорвадорлари самарали меҳнат қилаётганликлари туфайли 1 мартгача давлатга 110 тонна гўшт топшириб, ярим йиллик планни ҳам шараф билан бажардилар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ партия комитети Калинин районидаги Ўртаовул бўрдоқичилик пункти коллективининг гўшт етиштириши кўпайтириш, 1979 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетларига, колхозлар-, бўрдоқичилик пунктлари ва базаларининг бошланғич партия ташкилотларига Ўртаовул бўрдоқичилик пункти тадбирларини кенг муҳокама этиб, гўшт етиштиришни кўпайтириш, 1979 йил ва умуман беш йиллик план ҳамда социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун қўшимча имкониятлар ва резервларни излаб топиш юзасидан конкрет чоралар белгилаш вазифаси топширилди.

Область ва район газеталари редакцияларига, область радиоэшиттириш ва телевиденне бош редакцияларига Ўртаовул бўрдоқичилик пункти белгилаган тадбирларининг ва социалистик мажбуриятининг қандай бажарилаётганлигини кенг ёритиб бориш вазифаси юклатилди.

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ЎРТАОВУЛ БЎРДОҚИЧИЛИК ПУНКТИНИНГ ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ, 1979 ЙИЛ ВА УМУМАН ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

КАЛИНИН районидаги Ўртаовул бўрдоқичилик пункти коллективи КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумларда қилган доклади ва сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қонда ва хулосаларни партия ва ҳукуматнинг мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада кучайтириш ва совет кишиларининг моддий фаровонлигини юксалтиришга қаратилган янги ғамхўрлиги сифатида қабул қилдилар.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилган бўрдоқичилик пункти коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунлади.

1978 йилда молларни бўрдоқига боқиб семиртириш ҳисобига 885,2 тонна, область колхоз ва совхозларидан келган молларни семиртириш ҳисобига эса 160 тонна гўшт етиштирилди.

Бўрдоқига боқилаётган йирик шохли қорамоллар бир суткада ўртача 1020 граммдан семиртирилди. Бўрдоқиларнинг 96,3 процентиюқори семизликда гўштга топширилди.

Майда молларни бўрдоқига боқишда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Ҳар бош майда мол 7 килограмм ўрнига 8,5 килограмм семиртирилди.

М. Мирахмедов, Р. Бегмонов, М. Куприенко, Д. Сайдаҳмедов ва бошқа кўплаб чорвадорлар, айниқса, юқори натижаларга эришдилар. Ҳамид Мирқосимбоев раҳбарлик қилаётган бригада йирик шохли қорамолларни бир суткада 1186 граммгача, қўйларни 172 граммгача семиртиришга эришди. Бригадада йирик шохли қорамоллар вазнига 72,7 килограмм, қўйларга эса 9,4 килограмм вазн қўшилди.

Қўчқор Ҳамидов бошлиқ бригада аъзолари йирик шохли қорамолларни бир суткада 1077 граммгача, қўйларни эса 150 граммгача семиртиришга эришдилар.

Молларни жадал боқиб семиртириш усули кенг жорий этилганлиги беш йилликнинг уч йиллик топшириғини ортиғи билан бажариш, планга қўшимча 383 тонна гўшт топшириш имконини берди. Шу йўл билан Ўртаовул бўрдоқичилик пунктида 1979 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш учун қулай шароит яратилди.

Ўртаовул бўрдоқичилик пункти дирекцияси, партия, касаба союз ташкилотлари ва бутун коллектив қўлга киритилган натижаларни чуқур таҳлил қилиб, мавжуд резервлардан тўла фойдаланиш ҳисобига бу йил ҳам гўшт етиштиришни кўпайтириш бўйича янги мақсадларни эгаллашга қарор қилдилар.

1979 йилда 900 тонна гўшт етиштирилади ва давлатга топширилиб, йиллик план 1 декабрда бажарилади. Унинчи беш йиллик плани эса молларни семиртириш бўйича 2250 тоннага етказилиб, 3,5 йилда, яъни шу йилнинг 1 июлигача бажарилади.

Молларни бўрдоқига боқиб семиртириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши, энг аввало, уларни боқишни тўғри ташкил этиш ва намунали асрашга боғлиқдир.

1979 йилда 4070 бош йирик шохли қорамол ва 51900 бош қўй ва эчкилар бўрдоқига боқилади. Йирик шохли қорамолларни бир суткада 1050 граммгача, қўйларни эса 150 граммгача семиртиришга эришилади. Ҳар бош қорамол вазнига пландаги 41 килограмм ўрнига 70 килограмм, қўйларга эса 7 килограмм ўрнига 9 килограмм вазн қўшилади.

95 процент йирик шохли қорамол, 70 процент майда моллар юқори семизликда гўштга топширилади. Озуқадан рационал фойдаланиш ҳисобига семиртирилган ҳар бир килограмм гўшт эвазига 0,5 озуқа бирлиги тежаб қолинади.

Бир центнер семиртирилган гўшт таннархи барча турдаги моллар бўйича 2 процентга камайтирилади. Планга қўшимча 150 минг сўмлик фойда олинади.

Санитария ҳолатини яхшилаш, ветеринария-профилактика тадбирлари комплексини сифатли ўтказиш ҳисобига моллар орасида юқумли касалликларнинг тарқалишига ва молларнинг ўринсиз нобуд бўлиши ёки муддатидан илгари сўйишга мажбур бўлиш ҳолларига барҳам берилади.

Шу йил пунктга озуқа ва моллар ташиб келтиришга мўлжалланган ички темир йўл қурилиши тугатилади. 1979 йил 1 июлга қадар биринчи навбатни реконструкция қилиш ва 30 минг бош қўй ва эчки боқиладиган механизациялаштирилган майдон ишга туширилади.

Кадрларни танлаш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Уларнинг барчаси иқтисодий ўқувга жалб қилинади. Ишчилар ва хизматчиларнинг юксак унум билан ишлашлари ва мароқли дам олишлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилади.

Бригадалар ва чорвадорлар ўртасида ўтказиладиган социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Мусобақага ҳар ўн кунда якун ясаб борилади. Ғолибларга кўчма вимпел, пул ҳамда қимматбаҳо буюмлар совға қилинади.

Ўртаовул бўрдоқичилик пункти бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари, бутун коллектив қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар ва областнинг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга топширишни кўпайтириш юзасидан 1979 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдиришга чақирадилар.

Бу тадбирлар Ўртаовул бўрдоқичилик пункти коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ В. ЖИСКАР Д'ЭСТЭННИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН РАСМИЙ АМАЛИЙ ВИЗИТИ МУДДАТИ ТЎҒРИСИДА

Франция республикасининг президенти В. Жискар д'Эстэн расмий амалий визит билан шу йил 26 апрелдан 28 апрелгача Совет Иттифоқида бўлади деб келишиб олинди.

АХБОРОТ

1979 йил 30 март куни халқ депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 350-Ўзбекистон сайлов округи бўйича халқ депутатлари Тошкент область Советига депутатликка 1930 йилда туғилган, украин, КПСС аъзоси, олий маълумотли Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари Виктор Александрович АНТОНОВнинг номзодини Чиноз районининг «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан қўйилган. 91-сайлов округи бўйича эса 1924 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий маълумотли Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари Фёдор Григорьевич ПОТУРЕМСКИЙ номзодини кўрсатдилар. Унинг номзоди Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестига қарашли 10-автобаза инженер-техник ходимлари, ишчилари ва хизматчилари номидан қўйилган.

«РАННИЙ» КАРТОШКА НАВИ

Тошкент областининг ихтисослаштирилган хўжаликларида «Белорусский ранний» картошка нави ёпписига экила бошлади. Илк бор бу йил районлаштирилган бу нав одатдаги навдан бир ҳафта эрта етилиб, гектар бошига 265 центнердан мўл ҳосил беради.

Белоруссиянинг эртаги картошка нави Тошкент, Фарғона ва Самарқанд областларининг далаларида экиладиган бўлади.

(ЎзТАГ).

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИДАН ХАТЛАР

3. СИЁСИЙ ЎҚУВ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

ПАРТИЯ маорифининг самарадорлиги пропагандист кадрларнинг назарий тайёргарлиги билан бир қаторда методик маҳоратни қанчалик эгаллаганликларига ҳам боғлиқдир.

Бу борада райондаги сиёсий маориф кабинетлари катта иш олиб бормоқда. Ҳозир бизда ўнта ана шундай кабинет бўлиб, бештаси жамоатчилик асосида ишлайди. Сиёсий адабиёт, ўқувнинг техникавий воситалари, кўргазмали қўлланмалар ахборот материаллари билан улар тўла-тўкис таъминланган. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилган иккинчи республика конкурси бўйича район партия комитетининг сиёсий маориф кабинети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг дипломи билан тақдирланди.

Район партия комитети, унинг сиёсий маориф кабинети коммунистлар партия таълимининг самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мазкур кабинет тажриба алмашиш бўйича кенгашлар ўтказиб, очиқ машғулотларни муҳокама қилади, пропагандистлар учун доимий ишловчи семинарларни ташкил этади. Энг яхши пропагандистларнинг иш тажрибаси ҳақида варақалар чиқариб туради. Г. Губанов, А. Клюков, П. Коваленко сингари моҳир пропагандистларнинг иш тажрибаси ёритилган варақалар айниқса катта қизиқиш уйғотди.

Район партия комитетида республика Компартияси Марказий Комитетининг КПСС XXV съезди қарорлари асосида сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари фаолиятини янада яхшилаш тадбирлари ҳақидаги қароридан келиб чиқиб, Урта Осиё темир йўл бошқармаси партия ташкилоти сиёсий маориф кабинети қандай ишлаётганлиги масаласини муҳокама қилди.

Сиёсий маориф самарадорлигини оширишда, пропагандист кадрлар тайёрлашда Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университети муҳим роль ўйнайди. Кейинги икки йил ичида уни 300 га яқин тингловчи (уларнинг қарийб ярми пропагандистик факультетини) битириб чиқди. Ҳозирги вақтда 450 дан ортиқ тингловчи ғоявий чиниқиш мактабида таҳсил кўрмоқда.

Район сиёсий маориф кабинети ҳузуридаги методика кенгаши пропагандистларимизга катта методик ёрдам кўрсатмоқда. Фалсафа фанлари кандидати, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг доценти Т. Ирисбоева бошчилик қилаётган мазкур кенгаш составида йигирма киши— олимлар, энг яхши пропагандистлар, сиёсий маориф кабинетларининг мудирлари бор. Кенгаш бир йилга мўлжаллаб тузилган перспектив план бўйича иш олиб боради, у ёки бу мавзулар бўйича методик кўрсатмалар, тавсиялар ишлаб чиқади, энг яхши пропагандистларнинг тажрибасини умумлаштиради. Жумладан, «Ленин районы — съезддан съездгача», «Ленин районы ўнинчи беш йилликда» каби мавзуларда, шахсий-ижодий планларни тузиш, комсомол маорифи системасида Ленин зачётни ўтказиш, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларини ўрганиш бўйича тавсиялар тайёрланди.

Партия маорифи ишининг сифати ва самарадорлигини оширишда пухта ўйланган, мунтазам равишда ўтказилиб турилаётган контрол муҳим аҳамиятга эгадир. Районда лекция пропагандаси сифатини назорат қилувчи яхшигина система ташкил топди.

Пропагандист кадрлар иши сифатини текширишнинг олий формаси уларни жамоат аттестациясидан ўтказишдир. Бунда пропагандистнинг билим савияси, имкониятлари, назарий ва методик тайёргарлиги аниқланади, партия маорифи барча звеноларининг фаоллиги кўрикдан ўтади.

Масалан, аттестация комиссияси темирйўл поликлиникаси партия маорифи ўрта звеноси раҳбари Д. Абдурахмонов ишини ижобий баҳолади. Айни вақтда поликлиника партия ташкилоти секретарига 58 тингловчини икки группага бўлиб, машғулот ўтказиш, жамоатчилик асосларида партия маорифи кабинети ташкил этиш тавсия этилди. Шунингдек, комиссия ўрта ва бошланғич звено кўпгина пропагандистларига марксизм-ленинизм университетида олий партиявий маълумот олишни таклиф қилди.

Районда энг йирик партия ташкилотларида ишловчи 800 дан ортиқ пропагандист аттестациядан ўтказилди. Уларнинг катта кўпчилиги партия идеологияга кадрларига қўяётган юксак талабларга жавоб бериши қайд этилди. Ҳозирги вақтда кам сонли партия ташкилотлари пропагандистлари қайта аттестациядан ўтказилмоқда.

Район партия комитети партия маорифи самарадорлигини янада ошириш мақсадида социологик тадқиқотлардан кенг фойдаланмоқда. Бу ерда идеология иши самарадорлигини социологик тадқиқ қилиш группалари тузилган бўлиб, улар составида партия ходимлари, олимлар, тажрибали пропагандистлар бор. Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти фалсафа кафедрасининг катта ўқитувчиси К. Ирисбоев социологларга бошчилик қилади. Улар ўз ишларида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академияси идеология иши самарадорлигини социологик тадқиқ қилиш юзасидан ишлаб чиққан методлардан фойдаланадилар. Кейинги даврда район партия комитети кўрсатмаси билан электронтехника заводи, Урта Осиё темирйўли бошқармаси, трамвай-троллейбус бошқармасида ана шундай тадқиқотлар амалга оширилди.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш аввало партия раҳбарлигига боғлиқдир. Райондаги бошланғич партия ташкилотлари мажлисларида, район партия комитети бюроси ва актив йиғилишларида, партия маорифининг аҳволи муҳокама қилиб турилади. Масалан, яқинда бюрода «Ташсантехгазмонтаж» трести партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия маорифи вазифалари тўғрисидаги қарорини қандай бажараётганлигини муҳокама қилди. Шунингдек, махсус ремонт ишлаб чиқариш корхонаси партия ташкилотининг коммунистлар ва партиясизлар сиёсий активлигини оширишда партия маорифи ва иқтисодий ўқув қандай таъсир кўрсатаётганлиги масаласи ҳам қараб чиқилди.


Ҳар қандай идеологик фаолиятнинг самарадорлиги пировард оқибатда кишиларнинг ижтимоий ҳатти-ҳаракатлари билан белгиланади.

Районимиз Тошкент шаҳри районлари ўртасидаги социалистик мусобақада эришган ютуқлари учун кўп марта шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланди. Район саноатчилари беш йиллик уч йили плани муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Пландан ташқари 25 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди. 1975 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 26,2 процент кўпайди, ўсишнинг 95 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди. Район корхоналарида 121 маҳсулот давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқилмоқда. Бу жами маҳсулотнинг 19 процентидир. Тажриба-механика заводи ва моделлар уйи, 47 цех ва участка, 51 бригада коллективлари, 3800 дан ортиқ илғор ишчи беш йиллик уч йили планини бажарини тўғрисида муддатидан аввал рапорт беришди. Райондаги ҳамма корхоналар, 45 мингдан ортиқ меҳнатқаш ростовликлар ва янгийўлликларнинг «Колоқларсиз ишлаймиз» ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Ҳозирги вақтда 12 мингдан ортиқ зарбдор, 800 коммунистик меҳнат бригадаси беш йиллик планларини бажаришда олдинги сафда бормоқдалар.

Партия маорифи системасидаги бу ўқув йили коммунистлар, комсомоллар, партиясиз активлар марксча-ленинча таълимида янги масъулиятли босқич бўлиб, КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун сафарбар қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Р. КУШЧЕВА,
Ленин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

Б. ГОЛЬДИН,
Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти илмий коммунизм кафедраси доценти вазифасини бажарувчи, район партия комитети ҳузуридаги марксча-ленинча таълим бўйича методика кенгаши аъзоси.



ТОШКЕНТ экскаватор заводида ишлаб чиқарилаётган қудратли машиналар фақат Иттифоқимизда эмас, балки қатор чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Корхона коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида зарбдор меҳнат қилиб ойлик ва квартал планларини муддатида бажармоқда. Суратларда: пешқадам ишчи, коммунистик меҳнат зарбдори, Ленин ордени кавалери коммунист Раҳим Йўлдошев иш устида; тайёр экскаваторлар; пешқадам ишчи Ранса Виприцкая.

Х. Мирзакаримов фотолари.

ВАГОНЛАР ОБОРОТИНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

САНОАТ корхоналари ва қурилиш ташкилотлари коллективларининг муваффақиятли ишлаши, меҳнати кўрсаткичлари самарали бўлиши кўп жиҳатдан биз — темирйўлчиларга боғлиқ. Чунки, корхоналарнинг бир меъёрда ишлаши учун зарур бўлган хомашё ва материалларни ўз вақтида етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни эса буюртмачиларга ортиб жўнатиш катта аҳамиятга эгадир.

Шуни ҳисобга олган Қизил Тўқимачи станцияси коллективи вагонлар оборотини тезлаштиришга ҳар доим катта эътибор бермоқдалар. Чунки, вагонлар етарли бўлса, уларда келтирилган юклар ўз вақтида туширилиб олинса, бу мижозларга хизмат маданиятини яхшилаш, ўз фаолиятимиз натижаларининг барқарор бўлишига ёрдам беради. Юк ташиш ҳажми кўпаяди, меҳнат унумдорлиги, фойда ва рентабеллилик ортади.

Станциямиз коллективи ана шу мақсад йўлида касбдошларимиз ўртасида туғилган ватанпарварлик ташаббусларини доим қўллаб-қувватламоқда ҳамда унга қўшилмоқда. Илғор станциялар тажрибаси асосида бизда ҳам бирлашган темирйўл хўжалиги ташкил этилди. Бу хўжалик йигирмага яқин корхонага хизмат қилмоқда. Станция ва бирлашган хўжалик коллективлари ягона технология асосида ишламоқдалар. Шу туфайли корхоналарга борадиган йўлларда вагонларнинг туриб қолиш вақти муттасил камаймоқда.

Коллективимиз янги-янги резервларни қидириб топиб, ишга солиш мақсадида станция ва бирлашган хўжалик ишининг ягона технологик жараёнини қайта кўриб чиқди. Бунда юк туширыш ва ортиш ишларини механизациялашга катта эътибор берилди. Шу мақсадда қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, ёпиқ вагонларда келтириладиган туз, цемент, ганч ва бошқа шу каби материалларни тушириб олишда механик мосламалардан фойдаланиляпти. Юк ортиш ва тушириш майдонларида иш тунда ҳам давом эттирилмоқда. Ҳозирги вақтда юк тушириш ишларининг тахминан 30 проценти тун вақтига тўғри келмоқда. Бу ва бошқа шу каби тадбирлар вагонлардан фойдаланишни яхшилашга ижобий таъсир этди.

Лекин, бу соҳада ҳали барча резервлардан ҳам тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Камчиликлар анчагина бор. Айниқса, кўпчилик юк олувчилар коллективимизнинг вагонлар оборотини тезлаштиришга қаратилган куч-ғайратини доим қувватламаяптилар. Айрим мижозларимиз келтирилган юкларни ўз вақтида тушириб олишмаяпти. Вагонлар уларнинг темирйўл шохобчаларида белгиланган анча кўп вақт туриб қолмоқда. Бунинг оқибатида фақатгина шу йилнинг ўтган икки ойида 8230 вагон-соат йўқотилди.

Албатта, ана шундай камчиликка йўл қўйганлардан жарима олинди. Унинг миқдори 7284 сўмни ташкил этди. Лекин, мақсад жарима олишда эмас, бундан даврлатга ҳам, темирйўлга ҳам қолаверса, корхоналар ва ташкилотларнинг ўзига ҳам фойда йўқ. Ваҳоланки, кўпгина корхоналар вагонлар танқислиги оқибатида зарур материаллар ва хомашёни ўз вақтида олмасдан катта зарар кўрмоқдалар. Ишлаб чиқаришни бир меъёрда давом эттириш имконн бўлмаётир. Натижада иш вақтининг маълум қисми йўқотилмоқда.

Қатор корхоналар ва ташкилотларда юк ортиш ва тушириш ишлари сутка, ҳафта ва ой давомида бир меъёрда ташкил этилмаган. Бу операциялар асосан кундузи амалга оширилмоқда. Юқорида айтганимиздек тунда эса юк ортиш ва тушириш ишларининг фақатгина 30 процентчаси бажарилаптн.

Кўпгина корхоналар ва ташкилотларда вагонларнинг бекор туришини камайтириш учун амалий чоралар кўрилмаяпти. «Ташлимводторг» (директори М. И. Исмоилов), Тошкент сут ишлаб чиқариш саноати бирлашмаси (директори А. Бурхонов) ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу корхоналарда дам олиш ва байрам кунлари юк ортиш ва тушириш ишлари тамомила тўхтатиб қўйилади. Бинокорлик материаллари саноати комбинатида эса (директори А. Жукова) вагонларда келтирилган хомашё бир неча кунлаб туширилмай ётади. Чунки, вагонларнинг ортиқча туриб қолганлиги учун жарима давлат маблағи ҳисобидан тўланмоқда. Бизнингча, бу соҳада корхона раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш, вагонларнинг ортиқча туриб қолганлиги учун ундириладиган жаримаиинг маълум қисмини ана шу раҳбар ҳамёнидан олишни қонунлаштириб қўйиш вақти келди.

Вагонлардан фойдаланишни яхшилашга тўсқинлик қилаётган яна бир сабаб — кўпчилик корхоналар ва ташкилотларда бу мақсадда фойдаланадиган механизмларнинг камлиги ёки тамомила йўқлигидир. Одатда цемент, алебастр, бўр ва оҳак ортилган вагонлар кўп вақт туриб қолади. Нормага мувофиқ уларда келтирилган бундай материаллар тўрт соат давомида тушириб олиниши керак. Одатда эса суткалаб тушириб олинмайди.

Оҳангарон ва Бекобод цемент комбинатлари цементни ёпиқ вагонларга ортишади. Кўпчилик корхоналар ва ташкилотлар уни шундай вагонлардан тушириб олишга мослашмаган. Фақатгина йирик темир-бетон буюмлари корхоналари махсус механизмлар ёрдамида тушириб олмоқдалар. Бизнингча, цементни вагонларга ортишда унинг қайси корхона ва ташкилотга юборилаётганлигини ҳисобга олиш керак. Буюртмачиларнинг имкониятларига қараб турли вагонларга ортишни йўлга қўйиш лозим.

Корхоналар ва ташкилотларнинг вагонлар қабул қиладиган пўлат йўл хўжалигининг кичиклиги вагонлар оборотини тезлаштиришга салбий таъсир кўрсатаётган сабабларнинг биридир. Бу вагонларнинг кўп вақт бекор туриб қолишига олиб келяпти. Биз хизмат кўрсатаётган мижозлар ичида шундайлари ҳам борки, улар фақат биттагина вагонни қабул қилаолмадилар. Ваҳоланки, кўпинча улар адресига бир йўла бир неча вагон юк юборилади. Барча вагонларда келтирилган юкларни бир йўла тушириб олиш имкони йўқлиги ҳам шубҳасиз вагонларнинг узоқ вақт туриб қолишига сабаб бўлаяпти.

Бизнинг фикримизча, мустасносиз барча юкларни истеъмолчиларга юбориш учун вагонларга ортишни ана шу буюртмачиларнинг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда планлаштириш лозим. Ҳозирги вақтда темирйўл бўлинмаларининг кўпгина станциялари янгича тартиб асосида ишлаяпти. Қайси корхона ёки ташкилот вагонларни кўпроқ ушлаб турса уларга тайёр маҳсулотларни жўнатиш учун зарур бўлган вагонларни етказиб бериш орқага сурилмоқда. Бу яхши самара беряпти. Чунки, хўжаликлар раҳбарлари бевосита вагонлар оборотини тезлаштиришга аҳамият берадиган бўлиб қолишяпти.

Станциямиз хизмат кўрсатаётган қатор корхоналар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Лекин, уларнинг темир йўл хўжалиги орқада қоляпти. Фикримнинг далили учун «Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармасига қарашли 1-темир-бетон буюмлари заводида вужудга келган аҳволни айтиб ўтмоқчиман. Станциямизнинг шундай ёнига жойлашган бу завод қуввати тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Унга борадиган темирйўл шохобчаси эса эскилигича қоляпти. Бу ерда бир йўла фақатгина битта вагонга юк ортиш ёки фақатгина битта вагондан юк тушириб олиш мумкин. Ваҳоланки, бу корхонага бинокорлик материаллари состав-состав бўлиб келади. Оқибатда вагонлар юк тушириш давомида белгиланганидан анча кўп туриб қолмоқда. Заводдаги бу номувофиқликни бартараф этиш ҳақида «Главташкентстрой»га бир неча марта мурожаат қилдик. Ниҳоят, бу йил бизга маълум қилишларича завод темир йўл шохобчасини кенгайтириш планлаштирилибди. Лекин, йилимизнинг биринчи квартали тугаганлигига қарамай бу объектда ҳали иш бошланганича йўқ.

Халқ хўжалиги жуда катта эҳтиёж сезаётган вагонлар оборотини тезлаштириш билан боғлиқ бўлган айрим резервлар ҳақидагина фикр юритдик. Бундай имкониятлар ҳамма жойда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Уларни ишга солиш шу кунниng муҳим вазифасидир. Шунинг учун ҳам корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бу масалани доим диққат-эътибор марказида тутишларн даркор. Экономикамиз манфаатлари шуни тақозо этаётганлигини доим ёдда тутишимиз лозим.

А. ВАРЕНИК,
Тошкент темир йўл бўлинмаси Қизил Тўқимачи станцияси бошлиғи, Фахрий темир йўлчи.

Чирчиқ ойна заводи силикат цехининг коллективи цехлараро мусобақада пешқадамлик қиляпти. Цех коллективи доимо ишлаб чиқариш топшириқларини 105—110 процент қилиб бажармоқда. Суратда: ўнинчи беш йиллик зарбдори, олти марта сурункасига социалистик мусобақа ғолиби бўлиб келаётган пешқадам ишчи Михаил Михайлов ва цех бошлиғи Юрий Кожаев маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

И. Портнов фотоси.

ЗИЁ ЧАШМАСИ

БИЗГА узоқ ўтмишдан етиб келган ноёб асарлар дунё юзини кўрган ўша ўз даврида фақат қўлёзма тариқасида бир нечтагина, ёки ўнлаб нусхада битилган. Ҳуснихати чиройли ҳаттотлар илм-маърифат соҳиблари томонидан эъзозланган. Янги асарлар фақат уларнинг тинимсиз меҳнати, қалб кўри ва кўз нури эвазига китоб шаклига келганлигини, албатта, ҳаммамиз биламиз. Заҳриддин Муҳаммад Бобир Самарқандга илк бор қадам ранжида қилганида моҳир ҳаттотларни ниҳоятда ҳурмат қилгани, улардан қиммат баҳоларда ноёб қўлёзма китобларни сотиб олгани тарихдан маълум.

Мен цехларни айланиб, босма машиналардан «оқиб» тушаётган турли-туман китобларни кўрганимда бехтиёр ўша ўтмиш кўз олдимда гавдаланади. Шоҳ асарларни қўлёзма шаклида кўпайтириб, асрлар оша узоқ авлодларга — бизгача етиб келишида катта ҳисса қўшган ҳаттотлар бир пайтлар қолиб китоблар машинада босилишини ҳаёлига келтиришганмикан?.. Ўзлари ҳарфини битталаб ёзган Жомий ёки Навоий, Фирдавсий ёки Бобир асарлари юз минглаб нусхада кўпайишини, миллионлаб авлодларга зиё тарқатишини, албатта, тасаввур қилолмаган бўлсалар керак...

Китобсиз билим, билимсиз коммунизм бўлмайди. Бу доҳиёна башорат ҳаётга тадбиқ этилишида, кишиларга билим ва бебаҳо маънавий озуқа берадиган ана шу китобларни халққа етказиб беришда бизнинг коллектив аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси, назаримда, худди ўтмишдаги ҳаттотларга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам вазифа бир хил, бироқ... яқин ўтмишда бир киши бир кунда атиги бирнеча саҳифа битган бўлса, ҳозир бир ношир ҳисобига кунига ўн минглаб китоб тўғри келади! Унинчи беш йилликнинг ўтган зарбдор йилида босмахонамиз коллективи 17 миллион босма лист ҳажмида китоб ва журналлар чоп этди. Улар орасида ярим ва бир босма листли жажжи рисолалардан тортиб, 15—20 босма листли роман ҳажмидаги йирик китоблар ҳам бор.

Ўтган йил плани муддатидан бир ҳафта илгари бажарилди, барча кўрсаткичлар бўйича план ошириб бажарилди. Жами 1 миллион 400 минг сўмлик нашр маҳсулотлари ишлаб чиқардик. 450 минг сўмлик соф фойда олинди. Маҳсулот таннархи 2 процентга камайди.

Босмахонамизда республикамиздаги мавжуд «Медицина» нашриёти, Бутуниттифоқ «Прогресс» нашриётининг Тошкент бўлими, «Внешторгиздат» ва «Ўзбекистон» нашриётларининг буюртмалари бажарилади. Китоб, рисола ва журналлар ўзбек ва рус тилларидан ташқари инглиз, француз, немис, испан, араб, форс ва урду тилларида терилиб, чоп этилади. Босмахонамиздаги мавжуд тўртта цех маълум даражада ихтисослашган. Ўтган йили ана шу цехларнинг ҳаммаси бир қатор янги машина ва ускуналар билан жиҳозланди. Жумладан, катта форматли китобларни нашр этадиган «Виктория-1040» маркали бешта машина ўрнатилди. ГДРдан келтирилган иккита қоғоз кесиш машинаси, мураккаб таҳлов ишларини бажарадиган машиналар ўрнатилди. Бу тадбирларнинг барчаси ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириди ва маҳсулот сифатини янада яхшилади. Китобни тикмасдан жипслаштирадиган серунум «Пони-5» маркали машинанинг ишга туширилиши босмахонамиз ҳаётида катта воқеа бўлди.

Ўтган йили Олий ва ўрта медицина ўқув юртлари студентлари ҳамда илмий ходимлар учун мўлжалланган 238 номдаги илмий ва ўқув адабиётлари, 85 номда рисола ва плакатлар нашр этилди. Улар орасида профессор В. Воҳидов ва Л. Хачиевнинг «Қорин тифининг хирургик асоратлари», У. Ориповнинг «Катта дуоденум сўрғичи ва меъда ости бези операцияларида», Ш. Хўжаев ва И. Соколовнинг «Мениггококк инфекцияси» асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳ. Ҳолматов ва З. Ҳабибовнинг «Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари» ноёб китоблар сирасидандир. Шунингдек, Шарқ халқлари тилларида ҳам аввалгиларига қараганда анча кўп адабиётлар чоп этилди. В. И. Ленининг «Париж коммунаси ҳақида», Ф. Энгельснинг «Коммунистик жамият ҳақида» асарлари араб ва форс тилларида нашрдан чиқди. Совға нашри форматида «СССР Конституцияси» араб тилида чоп этилди. Илғор ўзбек хотин-қизларига бағишланган «Ҳар бирининг ўз шуҳрати бор» номли очерклар тўплами араб тилида чиқарилди.

Булардан ташқари, Ҳамид Олимжоннинг лирик шеърлар тўплами форс тилида, Асқад Муҳторнинг «Опа — сингилларим» романи урду тилида, Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи форс тилида, «Ўзбек халқ эртаклари» тўплами урду ва форс тилларида ўқувчиларга тухфа этилди.

Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илғор иш усулларидан фойдаланиш, социалистик мусобақани кенг ташкил этиш натижасида салмоқли ютуқлар қўлга киритиляпти. Утган йилнинг биринчи ва иккинчи кварталари якунлари бўйича коллективимиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилди ва икки квартал кетмакет СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети ва Маданият ходимлари касаба союзлари, Марказий Комитетнинг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. Бунда, бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажарган Т. Умаров, Л. Саботович, шахсий беш йиллик топшириғини 3,5—4 йилда бажариш ишчанлигини олиб меҳнат қилаётган харф терувчилар С. Андросова, Н. Красикова, З. Эшмуҳамедова, Д. Худойбердиева, илғор ишчилар М. Дадахонов, У. Юсупов, Л. Маҳкамова, Ф. Иброҳимов, Р. Шахметова, Р. Маҳмудовларнинг ҳиссаси каттадир. Коллективимизда М. Маҳмудов, О. Қосимов, С. Юсупов. Л. Осипова каби ветеран ишчилар зиммаларидаги топшириқларини ошириб бажариш билан бирга ўнлаб ёшларга мураббийлик қилиб, бой тажрибаларини ўргатишмоқда.

Корхонамизда цехлараро, участкалар ва бригадалараро ҳамда шахсий меҳнат беллашуви кенг кўлам йўлга қўйилган. Мусобақага ҳар кварталда якун ясалади. Ғолиб цех коллективига босмахона кўчма Қизил байроғи ва 400 сўм пул мукофоти, ғолиб участкага эса вимпел ҳамда 100 сўм пул мукофоти берилади.

Бу йилги режаларимиз янада улкан. Йиллик планни муддатидан 10 кун илгари бажаришга, 1300 босма лист ҳажмида чет эл тилларида, 350 босма лист Шарқ халқлари тилларида, 1500 босма лист ўзбек ва рус тилларида турли нашрлар чоп этишга аҳд қилганмиз. Шунингдек, бу йил яна янги тилда нашр чиқара бошлаш кўзда тутилган.

Т. ОБИДОВ,
Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-босмахонасининг директори.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

— ДОҲИИМИЗ В. И. Ленин туғилган куни шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликда бизнинг коллективимиз аъзолари ҳам фаол иштирок этишади,— дейди «Средазстроймашавтома тизация» монтажлаш-созлаш бошқармасининг бошлиғи Сандали Тоиров.— Меҳнат байрами куни 360 нафар монтажчи, инженер-техник ва хизматчилар ўз иш ўринларини эгаллашади. Улар ностандарт жиҳозлар тайёрлашади, пойтахтдаги қатор машинасозлик корхоналарида монтаж ва созлаш ишларини бажаришади. Бошқармамиз территориясини тартибга келтиришиб, турли гул ва дарахт кўчатларини ўтказишади.

Бошқарма коллективи шу куни 5 минг сўмлик иш бажаришга, 2,5 минг сўмлик фойда олишга, иш ҳақининг бир минг бир юз сўмини беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилди.

Н. АБДИЕВ.



МУКОФОТ ЗАФАРГА ЧОРЛАЙДИ

Агар қурилиш жараёнлари оқилона ташкил этилса, объектлар керакли материаллар билан таъминланса, бинокорларнинг ўз ишига нисбатан масъулияти оширилса кўзланган марра албатта қўлга киритилади. Буни Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли «Ташгранспецстрой» трести коллективининг кейинги вақтдаги иш фаолияти исботлаши мумкин.

Ўтган йилнинг бошида трест объектлари қурилиш материаллари билан қониқарсиз таъминланган эди. Шу сабабли қурувчилар турар-жой, маданий-маиший бинолларнинг теварак-атрофини ободонлаштириш, инженерлик тармоқларини ўтказиш каби ишларнинг графикларини барбод этишди. Оқибатда ойлик планлар уддаланмади. Бошқарма раҳбарлари мажлис ва йиғилишларда бизни танқид қилишмасмикин, деган ўйда юрак ҳовучлаб ўтирадиган бўлишди. Талабчанлик ва масъулият оширилгач, объектларга темир-бетон новлар, асфальт-бетон вақтида келтирила бошланди. Қурилиш механизацияси трестининг механизаторлари «Ташгранспецстрой» трести қурилишида график бўйича ишлай бошлашди. Бинокорларнинг ишида унумдорлик пайдо бўлди. Сифат даражаси ўсди.

Тез ва сифатли ишлаб, йиллик планни муваффақиятли адо этиш шиори остида меҳнат беллашувлари қизғин тус олди. 2-қурилиш бошқармасининг Н. Борсуков, 5-қурилиш бошқармасининг А. Мустафоев, 71-қурилиш бошқармасининг Т. Эсонбоев бошлиқ бригадалари азаматлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилдилар. Улар ва трестнинг яна 12 та бригадаси СССР Конституциясининг бир йиллиги арафасидаёқ беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариб қўйишди.

Коллективда сиёсий меҳнат активлигининг юзага келиши сабабли трест йиллик планини шараф билан бажарди. Йиллик давлат плани 103,2 процентга адо этилди. Трест кейинги йилларда биринчи марта меҳнат топшириғини 101 процентга бажарди. 230 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига амалга оширилди. Янги техника ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши орқали 360 минг сўм иқтисодий фойда олинди.

«Ташгранспецстрой» трести бултур қўлга киритган ютуқлари билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш ва 1978 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун олий борилган республика социалистик мусобақаси якунларига кўра ғолиб деб топилди. Куни-кеча трестга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва дипломи топширилди.

Юксак мукофотни коллективга топширишга бағишланган тантанали йиғилишда сўзга чиққан ишлаб чиқариш илғорлари ва командирлари янада зўр ғайрат ва шижоат билан ишлашга қарор қилганликларини айтишди.

Трестнинг бу йилги социалистик мажбуриятига кўра, йиллик план муддатидан илгари адо этилади, меҳнат унумдорлигини 7 процент ўстирилиб, қурилиш-монтаж ишларининг сифати оширилади.

Шу кунларда трест бинокорлари ва монтажчилари Халқлар дўстлиги майдони объектларида, Қорасув, Қорақамиш турар-жой массивларида графикдан ўзган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Н. АБДУҚОДИРОВ.

ЧОРВАЧИЛИК КЕСКИН ЮКСАЛАДИ

Чорвачиликни янада юксалтириш ва аввало гўшт ҳамда сут етиштиришни кўпайтириш гоят ҳаётий ва муҳим вазифа бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумида бу вазифани муваффақиятли бажаришнинг йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган эди. Сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Калинин райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу соҳада қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар? Район партия комитетининг биринчи секретари Р. ҚАМБАРОВ бу ҳақда мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди.

Ҳар йилнинг ўз мазмуни, ўз салмоғи бўлади. Районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили барча соҳалар бўйича белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар. Сабзавоткорларимиз, боғбонларимизнинг тажрибаси ортиб, ютуқлари кўпайди.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, КПСС Марказий Комитети июль 1978 йил Пленумидан сўнг қилинган ишлар сезиларли натижалар бермоқда. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари фермада ишловчилар, айниқса, коммунист ва комсомоллар, мутахассисларнинг масъулиятини оширишга эътиборни кучайтирди.

«Қорасув», «Хасково», «Назарбек», «Партия XXI съезди» совхозлари, Калинин номли, «Москва», «Партия XX съезди» колхозларининг чорвадорлари, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар. Ташаббускорларнинг сафи кенгайиб бормоқда. «Қорасув» совхозида Тўрғуной Сериқбоева ўтган йили 6038 килограммдан сут соғиб олди. Қуйбишев номли колхозидан Ҳолида Жиянбоева, Калинин номли колхозидан Шакар Примова, «Хасково» совхозидан Тамара Сливкина сингари сут соғувчилар ҳам ажойиб ютуқларга эришмоқдалар.

Бу хўжаликлар эришаётган ютуқларда ҳеч қандай сир йўқ. Гап шундаки, буларда озуқа базаси тобора мустаҳкамланмоқда.

Лекин бугунги ютуқ эртанги марра бўла олмайди. Тошкент область партия комитетининг чорвачиликни кескин юксалтириш масаласига бағишланган Пленумида ва мана шу Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг сўзлаган нутқида гўшт, сут етиштиришни янада кўпайтириш учун қандай резерв ва имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги тўла-тўкис кўрсатиб берилди. Бундай резервлар бизнинг районимизда ҳам оз-мунча эмас.

Район партия комитетининг чорвачиликни ривожлантириш масаласига бағишланган Пленумида бу ҳақда биз батафсил гаплашиб олдик.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Энг аввало, ҳар бир колхоз ва совхозда моллар кўпайтиришга эришиш керак. Хўжаликларимизда ҳозирги пайтда подадаги сигирлар 35—38 процентни ташкил этади. Район шароитида эса бу кўрсаткични камида 40—50 процентга етказишимиз лозим.

Илғорлар тажрибаси асосида сигирлардан сут соғиб олишни кескин кўпайтириш мумкин. Айрим колхозларда ҳар бош соғин сигирдан 4000—4300 литрдан сут соғиб олинаётгани ҳолда айрим хўжаликларда бу кўрсаткич 2900 килограммни ташкил этмоқда.

Райондаги Свердлов номли совхозда 400 бош сигир боқилмоқда. Баъзи хўжаликларда эса фермадаги соғин сигирлар сони 130 тадан ошмайди. Ҳар бир фермада кам деганда 350—400 тадан соғин сигир бўлишига эришиш ғоят муҳим вазифадир.

Молларни бўрдоқига боқишни интенсив йўлга қўйиш керак. Ваҳоланки, ҳозирча бу соҳадаги қилинаётган ишлар талаб даражасида эмас. Шунинг учун ҳам баъзи колхоз ва совхозларда гўштга топшириладиган молларнинг оғирлиги 500—550 килограммни ташкил этгани ҳолда баъзи хўжаликларда 400—430 килограммга етмоқда. Ўртаовул бўрдоқичилик пунктида эса бу соҳада ибратли тажриба тўпланган. Бу ерда гўштга топшириладиган молларнинг 700—800 килограммгача семиртиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Подаларни наслдор моллар билан тўлдириш учун энг биринчи навбатда фермаларда ишни намунали ташкил этиш, кўп сут берадиган сигирлардан соғлом бузоқ олишга ва уларни ёшлигидан яхши парвариш қилишга эътибор бериш керак. Мутахассислар, молбоқарлар, сут соғувчилар манфаатдорлигини ошириб, уларнинг энг яхши иш тажрибаларини қўллаб-қувватлаб оммалаштириб бориш лозим. Баъзи хўжаликларда ҳар 100 бош сигирдан 50—60 бош бузоқ олинади. Бу ўша хўжалик ферма ходимлари, мутахассисларнинг масъулиятсизлигидан бўлак нарса эмас! Ҳар бир сигирдан йилига кам деганда биттадан бузоқ олишга эришиш лозим. Бу ишни олдиндан пухта ўйлаб тузилган режа асосида олиб бориш лозим.

Ҳар йили колхоз-совхозларда қўплаб ем-хашак етиштирилади ва қишга жамғариб қўйилади. Булардан тежаб фойдаланиш зарур. Кўп жойларда эса бунга эътибор берилмаяпти. Гарам қилинади-ю, унинг тепаси текислаб қўйилмайди. Натижада қор-ёмғир суви селгиб хашак чиришга, мусобақа гўлибларини ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантиришга катта эътибор бермоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз бу тадбирлар яхши самара бермоқда. Биз чорвачиликда ҳам сабзавотчиликдаги сингари яхши натижаларга эришиш, беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йилида гўшт, сут етиштиришни икки баробар кўпайтириш учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз.

Гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришда ёрдамчи хўжаликларнинг салмоғи ҳеч шубҳасиз катта бўлади. Бу жиҳатдан район соғлиқни сақлаш бўлими коллективи ташаббуси ибратлидир. Улар ошхона чиқиндиларидан фойдаланиб, бу йил 50 тонна гўшт етиштиришга сўз бердилар. Улар учун махсус ер ажратиб берилди. Ҳозир бу ерда кичкинагина ферма ташкил этилган. Бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам ўз эҳтиёжини қондирадиган даражада гўшт етиштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари ҳар бир совхоз, колхоз далачилик бригадалари ҳузурида ҳам мол, қўй, товуқ боқиш йўлга қўйилмоқда. Ички эҳтиёж учун сўйиладиган молларни семиртириб боқишга катта эътибор берилади. Хонадонларга ҳам чорва молларини боқишни кенг йўлга қўйишга зарур ёрдам кўрсатмоқдамиз.

Беш йилликнинг тўртинчи йили учун юксак социалистик мажбурият қабул қилганмиз. Бу йил кам деганда 5700 тонна гўшт, 12 минг тонна сут, 69 миллион дона тухум етиштирилади. Шу жумладан, давлатга 4500 тонна гўшт, 9200 тонна сут, 57 миллион 300 минг дона тухум, 115 тонна жун сотилади. Ҳар бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут ўртача 3800 килограммга етказилади. Давлатга гўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача оғирлиги 500 килограммдан кам бўлмайди.

Қўриниб турибдики, белгилаган марраларимиз юксак ва бажарилиши реал бўлган вазифалардир. Бу маррани эгаллаш учун янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ фермаларда ўзаро социалистик мусобақани авж олдирилишига, коммунистлар ташаббускорлигини кучайтиришга, мусобақа ғолибларини ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантиришга катта эътибор бермоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз бу тадбирлар яхши самара бермоқда. Биз чорвачиликда ҳам сабзавотчиликдаги сингари яхши натижаларга эришиш, беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йилида гўшт, сут етиштиришни икки баробар кўпайтириш учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз.



Чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, давлатга кўплаб гўшт ва сут етказиб бериш Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорларининг азму-қароридир. Шунинг учун ҳам улар молларни қатъий рацион асосида парваришлаб, давлатга маҳсулот сотиш ойлик планларини муттасил ошириб бажараётирлар. Суратда: (чапдан ўнгга) ҳалол меҳнатлари билан ҳурмат-эътибор қозонаётган чорвадорлар — Н. Азимбоев, З. Сирожиддинов, Х. Улхўжаев, А. Марипов ўртоқлар.

Б. Гафуров фотоси.

ДИЛЛАРНИ ХУШНУД ЭТИБ

«Яхши дам меҳнатга ҳамдам», дейди халқимиз. Дарвоқе ишдаги муваффақият кўп жиҳатдан кишининг қандай ҳордиқ чиқаришига боғлиқ. Бу борада жойларда ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг хизматлари ҳам катта роль ўйнайди. Чунончи, Коммунистик районидаги маданият уйи ходимларининг ишидан меҳнаткашлар мамнун бўлишмоқда. Улар тез-тез чорвадорлар, пахтакорлар ҳузурида бўлишиб, ўзларининг жозибали куй ва қўшиқлари, дилрабо рақслари билан томошабинлар кўнглини хушнуд этишмоқда.

Районда иккита маданият уйи бўлиб, улар хўжаликларда ташкил топган 20 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлик тўгараклари билан ҳамкорликда иш олиб боришяпти. Бу коллективлар иккита агитбригадага бўлинган ҳолда белгиланган программада оталиқларидаги колхозларга ташриф буюришади. Бундан ташқари бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ўртасида ўзаро кўриклар ҳам ўтказиб борилади. Бунда район «Оқ олтин» ашула ва рақс ансамбли ҳамда «Политотдел» «Правда», Свердлов номли колхозларнинг ҳаваскорлари ўрнак бўлмоқдалар. Уларнинг репертуар программаларидан ўзбек миллий санъати намуналари билан бир қаторда қардош рус, қозоқ, карейс, татар миллатларининг қўшиқ ва куйлари ҳам ўрин олган.

Яқинда бўлиб ўтган автоклубларнинг Бутуниттифоқ кўригида Янгибозор маданият уйининг автоклуби хизматчилари голибликни қўлга киритди.

М. ЗАРИПОВ.

ДАЛАДА БАҲОР

Далаларда баҳор ҳавоси кезмоқда. Уфққа туташ далалар яна баҳорнинг яшил либосида. Ўриклар қийғос гуллаб, дарахт новдалари барг ёзмоқда. Баҳорни сезиниб кутган бободеҳқон эса аллақачон ўз даласида. Яхши ният билан енг шимариб, яна қизғин ишга киришиб кетган. Энди унинг ўрни то кеч кузакда ҳосил саранжом-сариштa этилмагунча, кўзланган маррани забт этиб мақсади ўшалмагунча шу ерда, саҳий далалар бағрида.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз миришкорлари ҳам дала ишларини авж олдириб юборишган. Хўжалик далаларида майдонларни экишга тайёрлаш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, кам ҳосилли майдонларга «Қорасув» совхозининг тажрибасидан ўрганиш керак. Совхозда ғарамлар устига қамишдан том қилиб қўйилади.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу соҳада ҳам районимизда талай тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу туфайли хўжаликнинг Нашпанали Ашрапов, Худойқул Пардаев, Жўрабой Дадабоев, Абдуназар Шамсиев, Турсунбой Мирсолиевлар раҳбарлигидаги бригадалар ҳамда А. Жўманов, М. Ҳакимовлар бошлиқ участкаларда ҳосилдорлик 30—33 центнергача кўтарилди.

Қўлга киритилган бу ютуқлар колхоз «оқ олтин» ижодкорларини янада улкан марраларни забт этишга даъват қилмоқда. «Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг тўртинчи йилида, — дейишмоқда улар, — ҳосилдорликни 33 центнерга етказамиз. Давлат омборларига 5700 тонна хомашё топширамиз. Ялпи ҳосилнинг 4560 тоннасини машиналарда териб оламиз».

Ҳа, колхоз далаларида ҳаёт қайнамоқда. Суғориш шоҳобчаларини тартибга келтириш, майдонларнинг мелиоратив ва ирригация ҳолатини яхшилаш билан бир қаторда кам ҳосилли майдонларга қўшимча ўғит солиш, дала шийпонларини жиҳозлаш ҳамманинг диққат марказида. Ерга ер қўшиш ҳам шу кунниng муҳим вазифаларидан бўлиб турибди. Техниканинг дастлабки қисми далага сафарбар этилди. Экиш сеялкалари ва гербицид аппаратлари осилган чопиқ тракторлари ҳам ишга туширилмоқда.

Колхознинг Мирюсуф Миржумаев, Исоқ Нарзиқулов, Миробид Оқимов, Имонқул Хайдаров, Сангин Сиддиқов, Тўйчибой Йўлдошев сингари миришкорлари бор экан, албатта, қўзланган марра забт этилади.

Х. ҲАЙДАРОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПРАГА. Халқ истеъмол моллари анъанавий халқаро ярмаркасида дунёдаги 30 мамлакатдан 800 га яқин ташқи савдо ташкилоти ва фирмаси иштирок этади.

Енгил индустрия ютуқларининг ана шу кўригида қатнашувчи энг катта мамлакатлар орасида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар бор.

КУВАЙТ. Бирлашган Араб амирликлари федерал миллий маслаҳат ассамблеяси (парламенти) Миср-Исроил сепарат шартномаси тузилганлиги муносабати билан жиддий ташвиш билдирди.

Абу-Дабида эълон қилинган баёнотда айтилади, бу шартнома Исроилнинг араб ерларини оккупация қилиб туришини абадийлаштиради ва арабларнинг курашга қилинган ҳиёнатдир. Баёнотда барча араб мамлакатларига мурожаат қилиниб, Миср-Исроил сепарат битимининг хавфли оқибатларига қарши туриш мақсадида ўз сафларини бирлаштиришга даъват этилади.

РАБОТ. Марокашда Садат режимининг таслимчилик сиёсатига қарши норозилик белгиси сифатида сиёсий ташкилотлар ва касаба союз ташкилотларининг даъвати билан меҳнаткашларнинг яппа забастовкаси эълон қилинди. Бутун мамлакатда ўтаётган митингларнинг қатнашчилари ўзининг миллий ҳуқуқларини қайта тиклаш йўлида адолатли кураш олиб бораётган фаластинлик араб халқи билан ўзларининг бирдамликларини изҳор этмоқдалар.

(ТАСС).

АНГОЛА АҲОЛИСИ ЎҚИМОҚДА

ЛУАНДА, 31 март. (ТАСС). Икки миллионга яқин студент ва ўқувчи Ангола Халқ Республикасида апрель ойининг ўрталарида бошланадиган янги ўқув йилида машғулотга киришади. Бу эса мамлакат аҳолисининг билим савиясини ошириш тадбирлари планида кўзда тутилган. Бу план меҳнат партияси — МПЛА, Ангола Халқ Республикаси президенти А. Нето томонидан тасдиқланган.

Партия ва республика ҳукумати халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор бермоқда. Вир неча йил илгари беш асрлик мустамлакачилик асоратидан халос бўлган Анголада—саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлайдиган мутахассисларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Анголада бошланғич, ўрта ва олий таълимни янада ривожлантириш мақсадида яқин давр ичида анголаликлар орасидан малакали ўқитувчилар тайёрлашни жадаллаштириш, дарсликлар ва мактаб анжомларини кўпайтириш мўлжалланади. Партия активлари, ёшлар, хотин-қизлар ва касаба союз ташкилотлари активлари, давлат хизматчилари, юқори синфларнинг ўқувчилари ва университет биринчи курсларининг студентлари, жами Анголанинг ўн тўрт мингга яқин граждани ўқитувчилик ишларига жалб этилади.



БУТУН Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарори билан ГДР пойтахти Берлин шаҳрига «Тинчлик шаҳри» деган фахрли ном берилди. Республика меҳнаткашларининг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, тангликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун олиб борган курашига қўшган жуда катта ҳиссаси шу тариқа тан олинди. Суратда: пойтахт марказининг янги қурилишлари. О. Иванов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ПЕКИННИНГ ЖИНОИЙ СИЁСАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 апрель. (ТАСС). АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Г. Холл марксизмни ўрганиш халқ мактабида ҳозирги Пекин раҳбарларининг ташқи сиёсати тўғрисида нутқ сўзлади.

Шу пайтгача ҳам биз, деди у, Хитойнинг Вьетнамга қарши агрессияси тамом бўлди, деб айта олмаймиз. Бу жиноий агрессия давом этмоқда. Пекин ўз қўшинларини чегара нариёғига олиб кетишини неча марта айтган бўлса ҳам унинг қўшинлари ҳамон Вьетнам ерида турганлиги, Пекин эса, жумладан Лаосга ҳужум қилишни назарда тутувчи янги ҳарбий ҳаракатлари ишлаб чиқаётганлиги ҳақ гапдир. Шундай қилиб гап бошқа халқларнинг ерларини босиб олиб, ўзига қўшиш сиёсати тўғрисида бормоқда.

Хитойнинг ҳозирги агрессияси, деди сўзини давом эттириб Г. Холл, Пекин раҳбарларининг буржуа-миллатчилик моҳиятини очиб кўрсатди, унинг ҳар хил баҳоналар ва турли воситалар ёрдамида Вьетнам, Лаос ва Камбужига ўз сиёсий таъсирини ўтказишга, Камбужия халқи ағдариб ташлаган Пол Пот режимига ўхшаш режимларни Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа халқларига тиқиштиришга уринаётганлигини фош қилди.

Пекин раҳбарларининг империализмга қарши ҳаракат қилишини кўрсатувчи битта ҳам мисолни, у миллий озодлик ҳаракатини, социализм ва ишчилар синфи ишини қўллаб-қувватлашини кўрсатувчи битта ҳам мисолни топиб бўлмайди, деди сўзини давом эттириб АҚШ Компартиясининг Бош секретари. Ҳаммаси бунинг аксича. Пекин фашист Пиночет тўдасини қўллаб-қувватлашгача ҳамда Ангола, Эфиопия, ЯХДР ва бошқа мамлакатларнинг халқларига қарши ғаразли ҳаракатлар қилишда империализм кучлари билан актив ҳамкорлик қилишгача юз тубан кетди.

У тинчликни мустаҳкамлашга ва қуролланиш пойгасини қисқартиришга олиб борадиган ҳар қандай таклифни рад қилмоқда, ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартномаларга ва стратегик ҳужум қуролларини чеклаш ҳақидаги Совет-Америка битимига жон-жаҳди билан қарши чиқди. Пекин социалистик мамлакатларга ва миллий озодлик харакатига нисбатан агрессив режалар тузаётган АҚШ ва НАТО империалистлари билан қўшилиб олиб энди Совет Иттифоқи уруш хавфига айланиб қолди, миллий озодлик ҳаракати эса «унинг фитнаси маҳсулидир» деб даъво қила бошлади. Буюк давлатчилик шовинизмига тенглаларга берилган маочилар империализм билан бирга жаҳон революция жараёнини йўлдан оздиришга, социализмни, миллий озодлик ва ишчилар ҳаракатини тугатишга уринмоқдалар.

КЭМП-ДЭВИДДАН НУСХА КЎЧИРМОҚЧИЛАР

АФИНА, 2 апрель. (ТАСС). Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партияси (АКЭЛ) Бош секретари Э. Папаиоанну бу ерда Греция ташқи ишлар министри Г. Раллис билан, демократик оппозиция партияларининг раҳбарлари билан учрашди. Бўлиб ўтган матбуот конференциясида Э. Папаиоанну ҳозирги вақтда Кипр масаласини ҳал этиш йўлидаги ҳаракатлар боши берк кўчага кириб қолганини қайд этди. АҚШ ва НАТО доиралари бу проблемани БМТ резолюциялари асосида ва Кипр халқининг орзу-умидларига мувофиқ равишда ҳал этишни истаганларида эди, улар, биринчидан шу резолюцияларни қўллаб-қувватлаган; иккинчидан эса, Кипрга доир БМТ резолюцияларини Кипр проблемасини тинч барҳараф этиш мақсадида БМТ доирасида халқаро конференция чақириш тўғрисида Совет Иттифоқи неча марта айтган таклифларга ижобий назар билан қараган бўлур эдилар, деди у.

Бироқ АҚШ ва НАТОнинг империалист доиралари БМТнинг Кипрга доир қарорларини бажариш ишида Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш ўрнига бу проблемани империалистларнинг манфаатларини кўзлаб, Кипр халқининг истакларига зарар етказган тарзда Кэмп-Дэвид кабинида «бартараф этиш» йўлидан боришга уринмоқдалар, деди АКЭЛ бош секретари. Аслида империалист доиралар янги блок тузиб, унга Туркия, Греция, Исроил, Миср ва Кипрни киритишга ҳаракат қилмоқдалар ҳамда Кипр масаласини «ҳал этиш»нинг бу ороли ўзларининг авантюрачилик режалари ва ниятларини рўёбга чиқариш учун шарқий Ўрта Денгиз районидаги мустаҳкам стратегик пункт ва плацдармга айлантирадиган йўлни ўтказиб олишга уринмоқдалар.

Кипрнинг ички проблемаларини грек ва турклардан иборат кипрликларнинг ўзлари четдан ҳеч кимни аралаштирмай ҳал этишлари керак. Кипр масаласининг халқаро жиҳатлари эса БМТ доирасида ўтказиладиган ва шу ташкилотнинг Кипрга оид резолюциялари бажарилишини таъминлайдиган конференция муҳокамасига қўйилиши лозим.

Н. ТАРАКИНИНГ НУТҚИ

КОБУЛ, 2 апрель. (ТАСС). Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР революцион кенгашининг Раиси Н. Тараки янги Афғонистон ҳукумати аъзолари ҳузурида сўзлаган нутқида бундай деди: бизнинг мақсадимиз — кишини-киши эксплуатация қилмайдиган янги жамиятни қуришдан иборатдир. Бундай жамиятни қуриш анча вақт талаб қилади, аммо мен аминманки, биз бу мақсадимизга эришамиз. Мамлакатни ривожлантиришнинг беш йиллик планини тузиб чиққанда биз шу мақсадни олдимизга қўйдик. Беш йиллик план янги жамият қурилишининг пойдеворини яратади.

Н. Тараки Афғонистон душманларининг кирдикорлари ва фитналарини фош қилиб бундай деди: улар Афғон халқига қарши бундан илгари ҳам фойдаланиб келинган ёлғон пропаганда ёрдами билан ҳам, ғаразли ички ва ташқи ҳаракатлари билан ҳам ёш демократик республикага зарар етказишга муваффақ бўлаолмайдилар. 1978 йилги Апрель революцияси ҳокимият халқ қўлига ўтган бизнинг мамлакатимизда империализм малайларининг кучларига путур етказганлиги учун ҳам Афғон халқининг душманлари активлашиб қолдилар. Аммо Афғонистоннинг ички ишларига аралашишга уринган кишилар яхши сабоқ олдилар, деб таъкидлади Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари. Афғонистоннинг меҳнаткаш халқи ва унинг ватанпарвар қуролли кучлари бу уринишларга муносиб зарба бердилар.

КЕНГ ПРОГРАММА

ЖОРЖТАУН, 2 апрель. (ТАСС). Уч ҳафта муқаддам Кариб денгизидаги кичик бир оролда ҳокимиятни қўлга олган Гренада муваққат ҳукумати — революцион кенгаш халқ оммасининг мададги билан демократик ислоҳотлар программасини ўтказмоқда. Бунда Гейриниng реакцион режими кризис ёқасига келтириб қўйган экономика соҳасидаги оғир оқибатларни тугатишга жуда катта аҳамият бермоқда. Америка мафияси, Чили ва Гаитий фашистлари, Жанубий Африка республикаси ва Родезия ирқчилари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилган бу жаҳолатпарастнинг ҳукмронлик даврида халқ бошига мисли-сиз жабр-зулмлар солинишидан ташқари экономика барбод этилди, маблағлар ва табиий бойликлар талон-тарож қилинди, давлат аппаратида пораҳўрлик авж олди, кенг меҳнаткашлар оммаси қашшоқлашди. Тўкинриш натижасида махсус комиссия шуни аниқладики, Гейри ва унинг яқин одамлари сал кам 20 миллион долларни ўз ҳамёнларига урдилар, бу пулни Гренаданинг «давлат қарзини тўлаш учун ишлатилди» деб ҳисобдан чиқардилар, аммо расмий маълумотларда бу ҳақда лом-лим дейилмади.

Ҳозирги вақтда мамлакат ҳукумати чайковчиликнинг пайини қирқиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нархини тартибга солиш, хизматчиларнинг юқори ҳақ оладиган категорияларига солиқ солиш чораларини эўр ғайрат билан амалга оширмоқда.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, маориф ва соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Революцион кенгаш гренадаликларни меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, саноат ва қишлоқ хўжалигини муттасил юксалтиришга чақирди. «Энди биз Гренада учун, бутун халқимизнинг фаровонлиги йўлида ишлаймиз», — деган шиорни ҳозир оролнинг ҳамма жойида кўриш мумкин.



НЬЮ-ЙОРК. Шаҳарнинг энг камбағал районларидан бири бўлмиш Гарлем аҳолиси ана шу негрлар яшайдиган районни Нью-Йорк мэри Э. Коч келиб кўрганлигига қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Э. Коч баланд парвоз сўзлар билан маҳаллий аҳолининг шаҳар амалдорлари сиёсатига нисбатан тобора ўсиб бораётган норозилигини юмшатишга уринган эди. Суратда: намойиш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

Бизнинг ахборот

МАҲОРАТ СИНОВИ

Тошкент Давлат консерваториясининг катта залида вокалистларнинг республика конкурси ўтмоқда. Бу ижодий мусобақани ўтказишдан мақсад шуки, янги талантларни аниқлаш ва шу йил кузда Эстонияда ўтказиладиган М. И. Глинка номидаги IX Бутуниттифоқ конкурсига қатнашувчи вокалистларни танлаб олишдир. Мазкур кўрик жиддий имтиҳон олдидан сўнги куч синаш, демак.

Кўрикда қатнашиш ҳуқуқига 30 ёшдан ошмаган ўқувчилар, студентлар, мусиқа билим юрти ўқитувчилари, консерватория ўқитувчилари эгадирлар. Шу сабабли фақат Тошкентдагина эмас, Урганч, Нукус, Самарқанд ва бошқа шаҳар мусиқа билим юртларидан ҳам вокалистлар иштирок этишмоқда. Қатнашувчилар маҳоратини баҳолаш учун СССР халқ артисти С. Қобулова, вокал факультети кафедра мудири Ю. А. Барсов, ТДК доценти М. Р. Ризаева, Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театри бош дирижёри Д. Абдураҳмонова, ЎзССР халқ артисти С. Юдаков ва бошқа нуфузли кишилардан ҳайъат аъзолари тузилган. Кўрик ҳайъатига Москва Давлат консерваторияси профессори Г. И. Тил раҳбарлик қилади.

Конкурс уч босқичдан иборат. Кўрик қатнашчилари программасига рус, ғарб, совет ва ўзбек композиторларининг асарлари киритилган. Республикамиз вокалистларининг маҳорат намойишлари баланд руҳ билан ўтишига ишончимиз комил.

Е. ЭПШТЕЙН.

МАКТАБ САҲНАСИДА — ҲАМЗА


Дарҳақиқат, Тошкент район Карл Маркс номли 17-ўрта мактабда ўтказилган «Ҳамза — озодлик куйчиси» деган темадаги қизлар давраси жуда қизиқарли бўлди. Ўша куни мактаб илмий бўлим мудири С. Шомақсудов, ота-оналардан Мирсодиқова, Сулаймонова, Абдусаматовалар сўзга чиқиб, ўқувчилар ижросини мақуллаб гапирдилар.

Мактабда қизлар давраси ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бунда тил ва адабиёт ўқитувчилари М. Олимжонова, Н. Эгамбердиева ва мактаб бош пионер вожатийлари М. Мирзажонова, Д. Носироваларнинг ҳиссалари каттадир.

Билим ўчоғида ўқувчилар ташаббуси билан тузилган драма тўгарагининг иши ҳам мақтовга сазовордир. Биргина шу ўқув йилининг ўзидаёқ Комил Яшиннинг «Йўлчи қолдуз», Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт» драмалари саҳналаштирилди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 90 йиллигига тайёргарлик ишлари мактабда анча илгари бошланди. Бош пионер вожатийлар ва синф раҳбарлари ташаббуси билан барча синфларда очиқ тарбиявий соатлар, деворий ва фото газета, альбомлар конкурси ўтказилди.

Ҳ. СОАТОВА.
Тошкент районидаги 17-мактаб ўқитувчиси.



АРХИТЕКТУРА ЯНГИЛИГИ

ЯНГИ ТУҒРУҚХОНА

«ТашГИПРОНИИздрав» лойиҳалаш институти Ўрта Осиё филиалида типовой лойиҳалаш бўлимида кўплаб саломатлик комплекс лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Улар яқинда 100 ўринли акушерлик корпуси лойиҳасини тайёрлашди. Бу лойиҳанинг афзаллиги шундаки, уни алоҳида ва район, шаҳар, марказий шифохоналарига қўшимча қилиб ҳам қуриш мумкин. Акушерлик корпуси 125 минглик аҳолига хизмат кўрсата олади.

Бош план лойиҳасига асосан участка икки зонага бўлинган. Биринчиси қабул қилиш ва кўриш учун келувчилар зонаси ва дам олиш зоналаридан иборат. Дам олиш майдонида фавворали хавза, соябонлар, ўриндиқлар бўлади. Майдоннинг кўп қисмини боғ ташкил қилади.

Лойиҳанинг архитектура композицион ечими қуйидагича: у тўртта уч қаватли бинодан иборат бўлиб, улар бир бири билан туташ бўлади. Бинони ташқи кўриниши чиройли бўлиши учун кўпроқ, Ўрта Осиёга хос алюминий ва сметалитдан тайёрланган қуёшдан пана қилувчи элементлар ишлатилади. Лойиҳа архитекторлар А. Аюбжонов, С. Юнусова, инженер конструктор А. Жиляев, И. Воловнилар ижодига мансубдир.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Суратда: акушерлик корпуси лойиҳа-макетининг кўриниши.

БАРКАМОЛ ИЖОД

Опера — мураккаб ва кўп қиррали санъат. У қўшиқни, чолғу мусиқасини, драматургияни, тасвирий санъатни ва ниҳоят рақс санъатини ўзида мужассам қилган саҳна асаридир. Асарнинг ғояси, унинг мазмун йўналиши мусиқа орқали ифода этилади. Ана шу мусиқали ифодани жонлантириш эса куйлаётган қўшиқчи актёрга топширилади.

Ўзбекистонда биринчи марта 1939 йил 11 июнда атоқли композиторлар Мухтор Ашрафий ва Василенколарнинг «Бўрон» операси саҳнага қўйилган. Ана шу сана ўзбек опера санъатининг туғилган куни ҳисобланади. Орадан 37 йил ўтди. Бу йиллар ичида ўзбек операси ўсиб, мураккаблашиб ва шаклланиб келди. Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Карим Зокиров, Саттор Ярашев каби етук опера қўшиқчилари вояга етиб, уларнинг сафи янада кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек операси фақат Иттифоқимизда эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Операмизнинг шаклланишида унинг довругини ёйишда, албатта опера қўшиқчиларининг алоҳида салмоқли ўринлари бор. Ана шундай санъаткорлардан бири Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик катта опера ва балет театрининг етакчи солисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асад Азимовдир. У бу қутлуғ санъат даргоҳида 23 йилдан бери замонавий ва классик руҳдаги опералардаги йирик партияларни муваффақият билан куйлаб келмоқда.

Асад Азимов 1927 йилда Андижон шаҳрида санъаткор оиласида дунёга келди. Отаси атоқли актёр ва режиссёр Ўзбекистон ССР халқ артисти Абдувоҳоб Азимов ўғли Асаддаги мусиқа ва саҳнага бўлган қизиқишни сезиб, 1940 йили Тошкентда янги ташкил топган Муқимий номли мусиқали театрга ўзи билан бирга олиб келади. Успирин Асад мактабда ўқишни давом эттириб, кечкурунлари театр қўйган спектакларда эпизодик ролларда қатнаша бошлайди.

Ўрта мактабни битирган Асад Азимов она шаҳри—Андижондаги Й. Охунбобоев номидаги область мусиқали драма ва комедия театрига ишга келади. Бу ерда унинг ижод қирралари очила боради; «Гулсара»да — Қодир, «Тоҳир ва Зуҳра»да Тоҳир, «Нурхон»да — Ҳайдар, «Фарҳод ва Ширин»да — Шопур, «Ромео ва Жульетта»да — Бенбалио, «Аршин мололонда — Сулаймон каби қатор ролларни маҳорат билан ижро этиб томошабинлар назарига тушади.

Ёш, истеъдодли артист Асад Азимов 1947 йилда Москва консерваториясига йўлланма олади. Р. Юсупова, С. Қобулова, Ж. Қосимов, Ш. Раҳимова, Х. Жалилова, С. Ярашевлар қаторида таҳсил олиб, рус ва ғарбий Европа классикларининг асарлари билан танишади, қўшиқ айтишнинг нозик йўллари ва унинг техникасини чуқур ўрганади. Асад Азимовнинг опера қўшиқчиси бўлиб шаклланишида педагоглар Д. И. Тонский, СССР халқ артисти И. С. Козловскийларнинг хизматлари катталир. Ўзбек опера кадрлари тайёрлашда И. Д. Дружинин, А. В. Боголюбова, Ф. Мюллер, К. В. Успенская каби моҳир педагоглар ўз куч ва билимларини аямадилар.

1951 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати концертларида курсдошлари — Р. Юсупова ва С. Ярашев билан биргаликда иштирок этди. У оркестр жўрлигида «Садко» операсидаги ҳинд меҳмони қўшиғини ва Сулаймон Юдаковнинг «Мирзачўл» вокаль-симфониясидан фрагмент ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. 1953 йили эса Бухарестда бўлиб ўтган IV Жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалида қатнашиб, биринчи даражали диплом ва олтин медаль мукофотларини қўлга киритди.

Асад Азимов 1953 йили Москва консерваториясини муваффақиятли тамомлаб, Тошкентга Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрига йўлланма олди. Бу санъат даргоҳида Асад Азимовнинг мустақил изланиш натижалари, ҳаяжонли дамларга бой сермаҳсул ижоди янада ривожланиб боради. Унинг ўзбек опера театрида биринчи марта ўйнаган партияси Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операсидаги Ленский образидир. Биринчи роли унинг довруғини ёйди. Бунга сабаб, Москвада ўқиб юрганида бу ролни ўйнаб, И. С. Козловский сабоғини олганида эди. Рус санъаткорларининг образни саҳнада жонлантириш принципи ёш хонанда юрагига чуқур таъсир қилганди, ўшанда. Ленский партияси Асад Азимов репертуаридаги энг яхши образлардан бири бўлиб қолди.

Ажойиб қўшиқчи, драматик актёр Асад Азимов ўзбек, рус ва ғарбий Европа операларининг қаҳрамони бўлиб куйлай бошлади. Унинг актёрлик маҳорати диапазони кенгайиб борди. У Ленский, Ромео, Альфред, Фауст, Вернер, Тоҳир, Нодир, Рудольф, Юродивий каби характерли — лирик ролларни қанча муваффақият билан ўйнаса, Фурқат, Йўлчи, Ибн Салом, Қаландар сингари қаҳрамонлик — драматик партияларни ҳам меъёрига етказиб саҳнага олиб чиқди. Актёр бир образ тўқимасидан иккинчи образга осон ўта олади. Бу маҳорат белгисидир. Асад Азимов шу кунгача ижод қилиб келаётган театрида жуда кўп эсда қоларли, қатор саҳна образлари галереясини яратди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Асад Азимов «Шоирнинг қалби», «Евгений Онегин», «Марварид қидирувчилар» каби операларни саҳналаштирган талантли режиссёр ҳамдир. Унинг Тошкент Давлат Консерваторияси ва Театр — рассомлик санъати институтида қўшиқчиликда таълим олган етук шогирдлари Тошкент ва Самарқанд опера театрларида, Ўзбекистон Давлат филармониясида, Андижон, Хоразм ва республикамизнинг бошқа областларидаги музикали театрларда баракали ижод қилишмоқда. Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Асад Азимовнинг республикамиз опера санъатини ривожлантириш ва пропаганда қилишдаги хизматлари учун «Ўзбекистон ССР халқ артисти» деган юксак унвон билан тақдирлади.

Бу Асад Азимовнинг баркамол ижодига берилган ишонч ёрлиғидир. Ўйлаймизки, санъаткор партия ва ҳукуматимиз ишончини ҳамиша оқлайверади, янги-янги муваффақиятлар сари интилаверади.

М. ҚОЗОҚБОЕВ,
Ф. МУҲАММАДЖОНОВ.

Спорт

СПАРТАКИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

СССР халқлари VII спартакиадаси олдидан жиддий синов ҳисобланган Ўзбекистон XVIII спартакиадаси мусобақалари тобора қизимоқда. Икки тур футбол ва қиличбозлар ўртасида ўтказилган мусобақалар ҳам ниҳоясига етди.

Андижон ва Самарқанд шаҳарларида футбол бўйича бўлиб ўтган учрашувларда Фаргонанинг «Нефтяник» ва Навоийнинг «Зарафшон» командалари биринчи ўринни эгаллаб финалга чиқишди. Ҳал қилувчи ўйинда 2:1 ҳисобида ғолиб келган «Нефтяник» спартакиада чемпиони унвонига эга бўлиб, республика футбол федерацияси кубогига сазовор бўлди.

Учинчи ўрин учун «Шаҳрихончи» ҳамда Самарқандинг «Динамо» командалари учрашдилар. «Шаҳрихончи» 3:0 ҳисобида устун келиб, учинчи бўлди.

«Ёшлик» спорт аренасида эса спартакиада программаси асосида қиличбозлар куч синашишди. Шампирчиларнинг сўнгги кун бўлиб ўтган беллашувларида тошкентлик армиячи Борис Либерман барча олишувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, спартакиада чемпиони бўлди.

Команда ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди. Тошкент, Самарқанд области, Тошкент области.

БЕШ СЕКУНДДА ҒАЛАБА

Фрунзе шаҳрида Бутуниттифоқ касаба союз спортчилари ўртасида дзюдо бўйича ўтказилган мусобақаларда республикамиз вакиллари орасида Олим Шайхсаломов жуда ажойиб зафар қучди. 65 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида қатнашиб, барча учрашувларда ғалабага эришди ва финалга чиқди. Якунловчи учрашувда эса 5 секунддаёқ рақибини енгиб, биринчиликнинг бош совриндори бўлди. Яна бир вакилимиз Рустам Аметов кучли учликдан жой олди. В. Меркулин эса бешинчи ўринни эгаллади.

ЙИЛДАН ЙИЛГА ЧЕКИНИШ

Республикамиз баскетболчилари олий лигада иштирок этган ва катта тажриба тўплаган командалардан ҳисобланади. Лекин мана бир неча мавсумдирки, Ўзбекистон Давлат физкультура институти баскетболчилари йилдан-йилга орқага чекинишмоқда. Бу сафарги мавсум ҳам муваффақиятсиз тугади. Биринчи лига вакилари ўртасида кучли олтиликка кира олмаган тошкентликлар умумий 7-12 ўринлар учун куч синашдилар. Волгоградда бўлиб ўтган якуиловчи учрашувларда вакилларимиз беш ўйинининг учтасида ютқазиб, фақат иккитасидагина ғолиб келдилар. «Горизонт» командаси 10 очко билан еттинчи бўлди. Волгоград ва Тбилиси командалари 8 тадан очко тўплашди. «Инждорстрой», «Буревестник» ва Тошкентнинг ФИСК коллективлари олтитадан очко тўпладилар. Республикамиз вакиллари Арманистон ва Молдавия командалари билан ўзаро учрашувидаги тўплар нисбати ёмон бўлганлиги сабабли жадвалнинг сўнгги 12-ўринида қолишди.

СУВДАГИ ГОЛЛАР

Ленинград шаҳрида ватерполочиларнинг учрашувлари давом этмоқда. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси биринчи кун Олмаотанинг «Динамо» коллективига 6:11 ҳисобида ютқазиб қўйди. Тошкентликлар Минскнинг СКИФ командаси билан бўлган учрашувни 5:5, Москванинг МЭИ коллективи билан бўлган ўйинни 4:4 ҳисобида дуранг қилишди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—1980 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти слесарь-сантехник-газ пайвандчилар, слесарь-вентиляцячилар, электр пайвандчилар, электр-газ пайвандчилар, химия ва нефть-химия саноати ускуналари монтажи бўйича слесарлар, токарлар, машинист-кранчиларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Билим юртига 8—10-синфни тамомлаган 14—17 ярим ёшдаги ўғил ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга ўрта маълумот ва 3—4 разрядга эга бўлганлиги ҳақида диплом берилади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қабул қилинганлар бепул кийим-бош, 3 маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини тугатганлар олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, турар жойидан справка, характеристика, автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 37, 52, 68, 106-автобусларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекатлари).

93-нхтисослаштирилган трестининг
«ЭНЕРГОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Технологик ускуналар ва қозон қурилмаларини монтаж қилиш бўйича монтажчиларни тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАНЛАР, ШУНИНГДЕК, ИХТИСОСГА ЭГА БЎЛМАГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддатида тингловчиларга ҳар ойда 75 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Курсларни битирган монтажчилар Тошкент шаҳри ва областидаги объектларда ишлайдилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 59 «а»-уй (103-автобуснинг «Ипподром» бекати). Телефон 76-66-81.

Мамлакатимизда давом этаётган Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўригида Тошкент давлат автомобиль инспекцияси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бир неча корхоналарда суҳбатлар ўтказдилар. Суратда: ГАИ ҳизматининг катта инспектори милиция лейтенанти Владимир Визгенович Багдасарян хизмат пайтида. У ГАИ ходимлари орасида ўрнак кўрсатиб ишламоқда.

А. Абалян фотоси.



ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАР КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

Она еримизнинг тупроғи олтинга тенг, суви эса гавҳар дейдилар. Яхши ният билан кўчат экқан ёки ерга қаламча қадаган одам ҳадемай икки-уч йилда унинг ҳосилидан баҳраманд бўлади. Мева ва манзарали дарахтларнинг бирор тупи йўққи, бизнинг шароитимизда ўсмаган, бошқа иқлимдан келтирилган бўлса ҳам, ўз ватанидек ҳосил бермаган бўлсин. Ҳатто бизда субтропик ўсимликларни кўпайтириш учун ҳам етарли шарт-шароит бор. Нега десангиз еримиз ҳам, сувимиз ҳам, қуёшимиз, табиатимиз ҳам шунга мос келади.

Кўз олдингизга келтириб кўринг. Сиз яшаб турган ёки ишга кетаётган кўчаларингиздаги ариқларда сув шалдираб оқса, дов-дарахтлар гуркираб яшнаб, қуюқ соя ташлаб турса, қанчалар хурсанд бўласиз. Шаҳар кўчаларига, жамоат яшайдиган ҳовлиларга турли касалликларга бардош берадиган чинор, дуб, каштан, софора, ясень, қайин ва арча каби манзарали дарахтлар, шунингдек, олма, ўрик, олхўри, шафтоли, ёнғоқ, жийда, ноқ, анжир ва бошқа мевали дарахт кўчатлари ўтказиш тавсия этилади.

Кейинги йилларда шаҳар, район марказларини ва аҳоли яшайдиган пунктларни кўкаламзорлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар йили кузда ва баҳорда кўчат ўтқазиш ойлиги ташкил қилинади. Бундай ойликларда минг-минглаб турли мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Бу йил баҳорда республикамизда 112 миллион туп дарахт ва буталар экиш планлаштирилган. Бу дарахт кўчатлари ичида, айниқса, чинор, дуб дарахтлари ўзининг соя-салқин бериши, хушбўй барглари ва тана тузилишининг бежиримлиги жиҳатидан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Хўш, бу ниҳолларни қандай ўтқазиш лозим? Тўғри, миришкор боғбонларимиз ва кўп йиллик ҳаёт мактабини ўтаган қария отахонларимиз мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар қай йўсинда ўтқазилишини яхши билишади. Лекин, ёшлар ёки жамоат жойларида яшаётганлар-чи? Уларга шундай маслаҳат берамиз:

Кўчат ўтказиладиган ер аввало обдон текисланиши, тош, хашак чиқиндиларидан тозаланиши лозим. Бундай участкаларда кўчат бир текис ўсади ва қониқиб сув ичади. Ўтказилаётган кўчатлар учун катта-кичиклиги илдиз қисмининг ривожланганлигига қараб, чуқурларнинг кенглиги 60х60 сантиметр, чуқурлиги эса 50х50, 60х60 сантиметр бўлади. Бутасимон ўсимлик ёки гуллар учун 35х35 сантиметр ҳажмида чуқур қазилади. Кўчатлар оралиги ўтказилаётган дарахтларнинг ривожланишини кўзда тутиб 2х2, 3х3, 4х4, 5х5, 6х6, 7х5, 8х5 метр схемасида, гуллар учун 0,5х1 метр белгиланади. Чуқур қазилаётганда ернинг устки қатламидан олинган тупроқни бир томонга, тагидан қазиб олинган тупроқни эса иккинчи томонга ташланг. Чунки, кўчат ўтказилаётганда, устки қатламдан қазиб олинган тупроққа оз миқдорда қора тупроқ аралаштириб, кўчатнинг илдиз устига туширсангиз, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Кўчатни ерга ўтқазишдан аввал унинг ривожланишига қараб иш тутиш керак.

Масалан, сиз ўтқазмоқчи бўлган кўчатнинг тана ва навдалари яхши ривожланган, бақувват дейлик. Лекин илдизи бирор сабабга кўра, синган ёки шикастланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ортиқча новдаларни қирқиб шаклга келтириш ва илдиз қисмининг учидан 3—4 сантиметр қайчилаш лозим.

Сабаби, яхши ривожланмаган илдиз ривожланган тана ва новдаларга кераклигича озуқа ва сувни етказиб беролмай нимжон бўлиб ўсиши мумкин.

Бир-икки бор суғорилгандан кейин айрим кўчатлар бир томонга эгилиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда кўчатлар тўғриланиб оёқ билан шиббалаб қўйилади.

Дарахтлар 80—100 йил ва ундан ортиқ яшаб, ундан бир неча авлод баҳраманд бўлади. Шундай бўлгач, бу масалага ҳар тарафлама жиддий эътибор бериш лозим. Жамоат ташкилотлари ўз территорияларини кўкаламзорлаштириш учун керакли кўчатларни, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғи, Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги шаҳарни кўкаламзорлаштириш бош бошқармасига қарашли совхозлардан олишлари мумкин.

Келинг, дўстлар, бу йил баҳор фаслида ҳар биримиз камида 2—3 туп дарахт ёки гул кўчати ўтказайлик. Бу шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада ям-яшил боғга айлантиришга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Шавкат ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрлигининг етакчи инженери.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750
БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325559; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент, —П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Р. 00244. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2364.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Театр. Бадиий фильм. 1-2 сериялар. 12.20 — РСФСРда ҳизмат кўрсатган санъат ходими А. Сурков чалади. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 16.35— Сиз яратган бог. 17.05 — Уйғониш даври санъати. 17.35— Сув полоси бўйича СССР чемпионати. МАСК (Ҳарбий Денгиз флоти) — «Динамо» (Москва). 18.20 — Асл йигитлар. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — РСФСР халқ артисти В. Левко П. Чайковский романсларини ижро этади. 19.50 — Инсон ва қонун. 20.25 — Строговлар. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Вақт. 22.00 — СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунларининг очилиши. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — А. Гайдар. «Занғори иши». Бадиий фильм. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Исмингни унутма. Бадиий фильм. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Камалак. 18.45 — Ахборот.. 19.00— Миллионлар ленинча университети. 19.20 — Ўзбекистонда Франция кунлари. 19.30 — Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги, ёзувчи Мирмухсин сўзи. 19.50 — Мусиқали учрашувлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Гулузорим. Ўзбек халқ қўшиқлари. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ноз-неъмат бунёдкори. 22.20 — Вирения. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Кўл бўйида. Бадиий фильм. 2-серия. 21.00 Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/IV да 250-спектакль, ДИЛОРОМ.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да Томоша давом этади, 4/IV да Келиндар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/IV да Олифта.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да Кичик фожиалар (19.00), 4/IV да Отилмаган ўқ (19.00).

ҚИБРАЙ ПИВО-АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИГА

минерал суви, пиво-алкоголсиз ичимликларни қуйиш цехига ишчилар, каптажчилар, қайнатувчилар, пивони қайнатувчилар, транспортировкачилар, солодкачилар, электрчилар, юк ташувчилар, солодларни қуритувчилар

КЕРАК.

МЕҲНАТ ҲАҚИ — ИШБАЙ-МУКОФОТЛИ.

Елғиз кишиларга ётоқхона, оилалиларга 2 йил давомида квартира берилади.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА ТУРУВЧИ ХОДИМЛАРГА КОМБИНАТ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

Мурожаат учун адрес: Салор посёлкаси (102-автобуснинг «Комбинат», 115-автобуснинг «Салор ГЭС» бекати).

«КАРШИПРОМЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДАГИ 1-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КОЛОННАСИГА

сувоқчи-бўёқчилар, дурадгор-паркетчилар, пардозловчилар (3-4-5 разрядли)

КЕРАК.

Меҳнат ҳақи — ишбай, 1,55 процент коэффициент қўшиб тўланади.

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ТУРАР-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Қашқадарё область, Шаҳрисабз шаҳри, Гагарин кўчаси.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг 9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

3-класс шофёрларини тайёрлайдиган

5,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Стипендия — 45 сўм.

КУРСЛАРГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН ШАХСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Курсларни тугатгандан сўнг шу корхонада 2 йил ишлаб бериш шарт.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир шаҳри, Лиҳачев кўчаси, 2-уй (106-автобуснинг «9-автобаза» бекати).